



ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИ ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТДАН ЎТКАЗИШ ЗАРУРЛИГИ АҲАМИЯТИ

**Абдуназарова Дилшода
Акромовна**

Ўзбекистон Марказий банки мутахассиси
E-mail: abdinazarovadilshoda91@gmail.com
ORCID: 0009-0008-1088-4467

Бугунги глобллашув шароитида банк тизимининг барқарорлиги ва ишончлилиги нафақат миллий молия бозорининг, балки иқтисодиётнинг умумий ривожланишида ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш ва уларнинг молиявий ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш катта аҳамиятга эга. Айниқса, банклар томонидан қабул қилинаётган турли молиявий хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш механизмларини жорий этишда пруденциал назорат алоҳида ўрин эгаллайди.

Пруденциал назорат – бу банк тизимида хавф-хатарларни камайтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва депозиторлар манфаатларини химоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимидир. У тижорат банкларининг капитали, ликвидлиги, активлар сифати, фойдалилик даражаси ва бошқа молиявий кўрсаткичларини доимий равишда мониторинг қилишни назарда тутади. Жаҳон банки ва Базель Қўмитаси каби халқаро молиявий институтлар ҳам банк тизимида барқарорликни таъминлаш учун пруденциал назоратнинг зарурлигини таъкидлаб келмоқда [1].

Ўзбекистон Республикасида Марказий банк томонидан 2020 йиллардан бошлаб тижорат банкларини пруденциал талаблар асосида баҳолаш ва назорат қилиш жараёни босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Жумладан, 2023 йил якунига кўра тижорат банкларининг умумий капитал етарлилик коэффициенти 17,2% ни ташкил этган бўлиб, бу халқаро талаблардан юқори эканлигини кўрсатади [2].

Мазкур илмий тезисда пруденциал назоратнинг моҳияти, тижорат банкларини ушбу назоратдан ўтказишнинг зарурлиги, унинг амалий аҳамияти ҳамда халқаро ва миллий тажриба асосида юзага келаётган тенденциялар таҳлил қилинади ва тегишли хулосалар билан амалий таклифлар илгари сурилади.

Ўзбекистон банк тизимида пруденциал назорат тизимини шакллантириш ва уни самарали амалга ошириш борасида сўнгги йилларда қатор муҳим ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган “Тижорат банкларининг капитал етарлилигини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (2022 йил, №31/6) асосида I ва II

даражали капиталнинг ҳисоблаш услублари, хавфлар даражасига мос равишда активларни гуруҳлаш ва таваккалчиликларни аниқлаш амалиёти жорий этилди [2].

Ҳар қандай иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлашда банк тизимининг самарали фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айниқса, сўнгги йилларда дунё молия бозорларида кузатилаётган беқарорлик, глобал хавфлар ва банк инқирозлари туфайли тижорат банкларининг таваккалчиликларини чеклаш ва устидан самарали назорат ўрнатиш масаласи янада долзарб тус олмоқда. Бунинг энг муҳим воситаларидан бири — пруденциал назорат ҳисобланади. Пруденциал назорат бу — молиявий ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган хавфларни чеклаш, уларнинг тўловга қобилиятлилигини таъминлаш, ҳамда депозитчилар ва молия тизимининг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

Бундан ташқари, 2023 йил якунлари бўйича, тижорат банкларининг умумий капитал етарлилик коэффиценти 17,2% ни, I даражали капитал етарлилик коэффиценти эса 14,5% ни ташкил этгани [2], амалдаги пруденциал талабларга мос келаётганлигини кўрсатади. Халқаро стандартларга кўра, Базель III талабларига асосан, капитал етарлиликнинг минимал даражаси 8% этиб белгиланган бўлиб, Ўзбекистон банклари бу кўрсаткичдан анча юқори натижага эришмоқда [1].

Ўзбекистон банк тизимида эса мазкур амалиётлар жорий қилинмоқда, бироқ уларни янада институционал асосда мустаҳкамлаш зарур. Жумладан, банкларнинг ички назорат тизимларини халқаро стандартлар асосида баҳолаш, ликвидлик босқичма-босқич назорат қилиш ва хавф гуруҳлари бўйича активларнинг тўлиқ қайта баҳоланишини таъминлаш лозим. IFRS 9 халқаро стандартини тўлиқ татбиқ этиш банкларнинг активлар сифатини оширишга хизмат қилиши мумкин [3].

Умуман олганда, Ўзбекистон Марказий банки пруденциал нормативларни белгилар экан, халқаро стандартларга мувофиқлик билан бирга миллий молия тизимининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда эҳтиёткор ва хавфдан сақловчи ёндашувни қабул қилган. Германия ва Туркия каби мамлакатларда ушбу талаблар катта тажриба, техник салоҳият ва молиявий сектордеги шаффофлик асосида қўлланилса, Россияда эса нормативлар босқичма-босқич ислохотлар асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

Мазкур қиёсий таҳлил пруденциал назоратнинг ягона модели йўқлигини, балки ҳар бир мамлакат ўз молиявий салоҳияти, ислохотлар босқичи ва хавфларга нисбатан тайёрлик даражасидан келиб чиққан ҳолда индивидуал сиёсат юритаётганини кўрсатади. Шу боис, Ўзбекистон учун энг самарали ёндашув - халқаро стандартларга мослашув билан бир вақтда миллий хусусиятларни ҳисобга олган гибрид пруденциал назорат моделини қўллашдир.

Пруденциал назорат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Ўзбекистонда жорий этилган капитал етарлилиги ва ликвидлик нормативлари халқаро стандартларга яқинлаштирилган бўлса-да, ички назорат механизмларини янада мустаҳкамлаш

зарур. Халқаро тажриба эса пруденциал ёндашув хавфларга нисбатан мослашувчан, динамик ва таҳлилга асосланган тарзда ташкил этилиши кераклигини кўрсатмоқда. Юқоридаги таҳлил ва изланишлар асосида қуйидаги амалий таклифлар илгари сурилади:

Тижорат банкларида пруденциал нормативлар ижросини доимий мониторинг қилиш учун рақамли таҳлил платформасини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали банкларнинг хавф профили реал вақтда баҳоланиб, эрта огоҳлантириш тизими шакллантирилади.

Иқтисодий ўсиш даврида ортикча даромадларни капитал захирасига айлантириш имконини берувчи контрциклик буфер механизмларини босқичма-босқич жорий этиш таклиф этилади. Бу инқироз шароитида банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Банкларнинг индивидуал хавф даражасига қараб турли пруденциал талабларни белгилаш лозим. Юқори таваккалчиликка эга банклар учун капитал ва ликвидлик нормативлари қатъийроқ белгиланиши зарур.

Банклар томонидан ўтказиладиган стресс-тестлар натижаларини қисқача таҳлилий маълумотлар шаклида оммага тақдим этиш орқали шаффофлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Basel Committee on Banking Supervision. (2011). Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems. Bank for International Settlements. www.bis.org
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2024). 2023 йил учун молиявий барқарорлик бўйича ҳисобот. Тошкент: www.cbu.uz
3. Ernst & Young. (2021). *IFRS 9 and its Prudential Implications*. EY Global Financial Services Publications. www.ey.com
4. International Monetary Fund. (2021). *Financial Soundness Indicators and their Role in Banking Supervision*. IMF Publications. www.imf.org
5. Султанов А.А. (2022). “Пруденциал назорат ва унинг миллий банк тизимидаги ўрни”. // *Молия ва Банк иши журнали*, №4, Тошкент.
6. Иброҳимова Е.Б., Каримов Ш.И. (2023). “Банк инвестиция фаолиятида пруденциал талабларнинг таъсири”. // *Иқтисодий таҳлил ва амалиёт*, №2.